Haqsevar ona yurt, mangu böl obod!

TOŞKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
4-noyabr
ÇORŞANBA
№ 90
(13951)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

Viloyat böylab



Toşkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev PISKENT tumanida bölib, hududda amalga oşirilayotgan quriliş-bunyodkorlik işlari bilan tanişdi. Örganişlar davomida quriliş obyektlaridagi işlar jarayoni, belgilangan vazifalar ijrosi hamda loyihalarning sifati közdan keçirildi. Mas'ullarga quriliş işlarini belgilangan muddatlarda va sifat talablariga muvofiq yakunlaş yuzasidan tegişli topşiriqlar berildi.

Respublikadagi barça viloyat hokimlarining qişloq va suv xöjaligi masalalari böyiça örinbosarlari Toşkent viloyatida qişloq xöjaligi hamda turizm sohalarida amalga oşirilayotgan işlar va ilğor tajribalarni örganiş maqsadida BÖSTONLIQ tumanidagi "AGROVER" MÇJga qaraşli "Böstonliq kartoşkaçilik markazi" faoliyati bilan tanişdilar. Muloqotlarda takroriy ekin ekiş orqali mavjud imkoniyatlardan unumli foydalaniş, mahsulot yetiştiriş hajmini köpaytiriş hamda eksport salohiyatini kengaytiriş masalalari yuzasidan fikr almaşildi.

YUQORI ÇIRÇIQ tumani tibbiyot birlaşmasi tuğuruq bölimi akuşer-ginekologi Muhayyo Ahmadjonova «Soğliqni saqlaş vaziri kubogi – 2026» sport musobaqalarining respublika final bosqiçining stol tennisi yönalişida 2-örinni egalladi. Ğolib va sovrindorlarni Özbekiston Milliy futbol markazida Soğliqni saqlaş vaziri Eldor Adilov tabrikladi.

OHANGARON tumanining "Uvak" mahallasi hokim yordamçisi Muhayyo Matazova Malayziyaning Melaka şahrida Özbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat siyosati va boşqaruvi akademiyasi hamda UTeM hamkorligida ötkazilgan xalqaro stajirovkada muvaffaqiyatli qatnaşdi. Stajirovkada yurtimizdan qatnaşgan 35 nafar tinglovçi samarali boşqaruv, strategik qarorlar qabul qiliş, yetakçilik salohiyatini oşiriş, professional muloqot va ilğor xorijiy tajribalarni örganişdi.

ЧИРЧИҚДА САЛОҲИЯТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЕТАРЛИ

улардан унумли фойдаланиш бугуннинг муҳим талаби

▼ Кун тартиби

Чирчиқ шаҳрининг жорий йил 9 ойлик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, йил якунига қадар бажарилиши лозим бўлган вазифалар, шунингдек, маҳаллалардаги муаммолар ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари таҳлилига бағишланган муҳокама бўлиб ўтди.





Вилоят ва шаҳар бошқарма ҳамда ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар, маҳалла еттилиги, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари масъуллари иштирокидаги мулоқотда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев кун тартиби бўйича таҳлилий-танқидий маъруза қилди.

Таҳлиллар айрим иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш таъминланган бўлса-да, йирик корхоналар фаолияти, кичик бизнес, маҳаллалардаги микролойиҳалар ва инфратузилма масалаларида камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатди.

Бу йил январь-сентябрь ойларида шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 16,9 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш 112,8 фоизга, хизматлар соҳасида эса 3,8 триллион сўмлик ҳажм билан 118,1 фоизга етган.

2

▼ Халқаро ҳамкорлик

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Япониянинг "Onodera Group" корпорацияси вакиллари билан учрашди.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МУҲОКАМАСИ



Мулоқотда хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни махсус дастур асосида касбга тайёрлаш ва кейинчалик Японияга ишга юбориш масалалари муҳокама қилинди.

Унга кўра, номзодлар белгиланган дастурлар асосида ўқув курсида таълим олади. Ўқиш даврида компания уларни бепул овқат ва турар жой билан таъминлайди. Шунингдек, виза расмийлаштириш, Японияда ишга жойлаштириш ҳамда яшаш жойи билан боғлиқ масалаларни ҳам ўз зиммасига олади.

Учрашувда, айниқса, ҳайдовчилик йўналишида кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Шу мақсадда Япониядан 17 та компания вакилларининг вилоятга келиши кутилаётгани маълум қилинди.

Томонлар Япония ва Ўзбекистон йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаларини бошқариш тартиби ҳамда йўл белгиларидаги фарқларни инобатга олиб, Тошкент вилоятида японча автодром қуриш масаласини ҳам кўриб чиқдилар. Компания вакиллари ушбу лойиҳани амалга оширишда кўмаклашиш таклифини билдирди.

Шунингдек, автодром ҳудудида ҳайдовчилар тайёрлайдиган коллеж ташкил этиш, вилоятдаги автобус ҳайдовчиларини эса уч ой муддатга Японияга малака ошириш-га юбориш таклифлари илгари сурилди. У ерда япон йўл ҳаракати қоидалари ва транспорт бошқаруви бўйича тажриба ўрганган мутахассислар кейинчалик маҳаллий таълим муассасаларида бўлажак ҳайдовчиларга дарс бериши кўзда тутилмоқда.

Таклиф этилаётган таълим масканида йилига 200 нафар талабани тайёрлаш имкониятини яратиш режалаштирилган.

Учрашув якунида бошқа йўналишлар бўйича ҳам фуқароларни хорижда ишлашга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш ва хорижий меҳнат бозорига йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ВАЗИФА МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

▼ Жараён

Олмалиқ кон-металлургия комбинати Мис бойитиш фабрикасининг мис-молибден концентратларини саралаш ва қуритиш цехи меҳнат жамоаси молибден концентрати ишлаб чиқариш бўйича йиллик ишлаб чиқариш вазифасини муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлди.

Жорий йилнинг 31 октябрь ҳолатига кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 782,8 тоннани ташкил этди. Йиллик вазифа эса 756,1 тонна этиб белгиланган эди. Шу тариқа, ўн ой давомида йиллик прогноз кўрсаткичи 103,5 фоизга бажарилиб, қўшимча равишда 26,7 тонна молибден концентрати ишлаб чиқаришга эришилди.

Мазкур вазифанинг муддатидан олдин бажарилиши меҳнат жамоасининг ҳамжиҳатликдаги фаолияти, мутахассисларнинг касбий маҳорати ҳамда технологик жараёнларни самарали ташкил этиш натижасидир.

Маълумот учун, мис бойитиш фабрикасида олинадиган молибден оралиқ маҳсулоти кейинги қайта ишлаш жараёнлари учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Мис эритиш заводида у махсус айланма печларда куйдирилади ва натижада куйдирилган молибден оралиқ маҳсулоти олинади.





Кейинчалик ушбу хом ашё чуқур қайта ишлашга йўналтирилиб, ундан металл молибден ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Молибден металлургия саноатида кенг қўлланилади. У қотишмали ва зангламас пўлатлар ишлаб чиқаришда фойдаланилиб, уларнинг мустаҳкамлиги, юқори ҳароратга чидамлилиги ва коррозияга бардошлилигини оширади.

Абдулазиз МУСАЕВ



(Қаҳрамон шоиримиз Абдулла ОРИФни эслаб...)

3



▼ Хушхабар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СПОРТЧИСИ ИККИ БОР ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ!

"Президент Олимпиадаси" спорт мусобақалари доирасида пара сузиш бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Ангрен шаҳар 1-сон спорт мактаби ўқувчиси Нафиса Саторова муваффақиятли иштирок этиб, иккита медални қўлга киритди.

Дастлаб, 100 метр масофага брасс усулида сузиш (С8) баҳсида 1-ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлган спортчимиз 50 метр масофага эркин усулда сузиш (С8) йўналишида 2-ўринни қўлга киритди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

▼ Пресс-тур

Бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада ҳудудлардаги йирик ишлаб чиқариш қувватлари, хусусан, тўқимачилик ва текстиль корхоналари драйвер вазифасини бажармоқда.



Нурафшон шаҳрида журналист ва блогерлар учун текстиль корхоналарига ташкил этилган пресс-тур айни шу тизимли ишларнинг амалий натижасини жамоатчиликка кўрсатишга хизмат қилди. Иштирокчилар ишлаб чиқариш жараёнлари, янги иш ўринлари, ходимлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

2

ЧИРЧИҚДА САЛОҲИЯТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЕТАРЛИ

улардан унумли фойдаланиш бугуннинг муҳим талаби



Бироқ «Ўзбеккимёмаш» АЖда ишлаб чиқариш ҳажми 142,4 миллиард сўмга, «Узтекс груп» МЧЖда 85,2 миллиард сўмга, «Компакт текстиль» МЧЖда 39,5 миллиард сўмга, «Орзу текс» МЧЖда 11,9 миллиард сўмга камайган. Хизматлар соҳасида ҳам 10 та корхонада 34,5 миллиард сўмлик пасайиш кузатилган.

Яна бир ташвишли жиҳат – 3 минг 821 та кичик бизнес субъектининг 22,8 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. 8 та корхонада чакана савдо ҳажми 26,1 миллиард сўмга камайган.

Шаҳарда коммунал хизматлар бўйича дебитор қарздорлик 12,3 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Унинг асосий қисми бошқарув сервис компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Кўп квартирали уйларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича 9 ойда 210 та мурожаат келиб тушган. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида дастурга киритилган 158 та уйнинг 97 тасида ишлар тўлиқ якунланган, қолган 61 тасида эса ишлар давом этмоқда.

Чирчиқ – йирик саноат салоҳиятига эга шаҳар. Бу ерда 177 минг 789 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Доимий иш ўринлари яратиш бўйича йиллик режа 6 минг 18 та бўлиб, амалда режа 106,1 фоизга бажарилган.

Шунга қарамай, 9 ойлик якунига кўра, ишсизлик даражаси 3,8 фоизни, ишсизлар сони 2 минг 822 нафарни ташкил этган. Уларнинг 1 минг 636 нафари хотин-қизлардир.

Бугунги кунда шаҳардаги 39 та маҳалланинг 23 таси камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айланган. Йил якунига қадар барча маҳаллаларда ушбу натижага эришиш вазифаси белгиланган. Аммо “Ҳумо”, “Семурғ”, “Турон”, “Нур” ва “Умид” маҳаллаларида камбағаллик даражаси шаҳар ўртача кўрсаткичидан юқорилигича қолмоқда.

Шу боис ҳар бир маҳаллада микролойиҳаларни амалга ошириш, фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларини қайта ишга тушириш, аҳоли учун барқарор даромад манбаларини яратиш ва бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таъкидлаш жоиз, шаҳар маҳаллаларига вилоятдан келган мутасаддилар бириктирилиб, икки кун давомида турли йўналишларда муаммоларни ўргандилар. Амалга оширилган ишлар ва муаммолар бўйича белгиланган чоралар юзасидан Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева батафсил маълумот берди.

Йиғилишда ижтимоий соҳалар тизимидаги ташкилот ва муассасалардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича ҳам таклиф ва топшириқлар берилди.

Муҳокама якунида шаҳардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва маҳаллаларда аҳоли бандлигини ошириш бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

АҚЛЛИ КЎЧАТХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Пискент туманида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) иштирокида “Ақлли технологиялар асосида Тошкент вилоятида ўрмон ва шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш” лойиҳаси доирасида замонавий кўчатхоналар фойдаланишга топширилди.

▼ Яшил макон



Тадбирда Ўрмон агентлиги директор ўринбосари Ғ.Қурбонов, Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчиси В.Д.Ён, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари А.Ҳамзаев ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.

Дўнгқўрғон давлат ўрмон хўжалиги бўлимида барпо этилган мажмуа 7 гектар майдонни эгаллайди ва 14 та замонавий иссиқхонани ўз ичига олади. Автоматлаштирилган тизимлар кўчатларни маҳаллий иқлим шароитига мос етиштириш, сувни тежаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш имконини беради.

2024-2028 йилларга мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 7,7 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Унинг амалга оширилиши ўрмонларни барпо этиш ва қайта тиклаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда чўлланишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Маълумот учун, Ўрмон агентлиги тасарруфидаги хўжаликларда жорий йилнинг тўққиз ойида 1 минг 100 тонна дарахт ва бута уруғи жамғарилган. Айни пайтда 1 минг 35 гектар майдонда 101,6 миллион туп ниҳол ва кўчат парвариш қилинмоқда.



Ўз мухбиримиз

БУХОРО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВИЛОЯТИМИЗДА

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши раиси Ж.Ашуров бошчилигидаги делегация Тошкент вилоятида бўлди.

▼ Ташриф



Икки кунлик ташрифдан кўзланган асосий мақсад ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тўпланган тажрибани ўрганиш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш ҳамда маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Делегация аъзолари ташрифнинг биринчи куни Зангиота зиёратгоҳини зиёрат қилдилар. Шундан сўнг Нурафшон шаҳрида бўлиб, ҳудудда қад ростлаётган замонавий қурилиш объектлари, Зулфия Зокирова монументи ва «Ватанпарвар» боғи билан танишдилар.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги Вазиятлар маркази, “103” тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда Халқ қабулхонаси фаолияти меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу масканларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, тезкор хизмат кўрсатиш ва ҳудуддаги жараёнларни самарали бошқариш борасида йўлга қўйилган тизим ҳақида маълумот берилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида делегация Олмалиқ шаҳрига йўл олди. Бу ерда меҳмонлар «Қалмоққир» кони ва янги 3-мис бойитиш фабрикаси ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Мазкур йирик саноат объектларидаги янгиланишлар, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар уларнинг эътиборини тортди.

Учрашув ва мулоқотларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш, депутатлик назорати самарадорлигини ошириш, доимий комиссиялар ишини мазмунли ташкил этиш, аҳоли мурожаатларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни кучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Зеро, вакиллик органлари фаолиятида ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш усулларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳудудлар тараққиётига хизмат қилади. Бухоролик делегациянинг Тошкент вилоятига ташрифи ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Ўз мухбиримиз

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Журналистлар дастлаб «ТМТ» корхонасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида бўлишди.

Тадбирда 15 дан ортиқ корхона ва ташкилот томонидан 546 та бўш иш ўрни таклиф қилинди. Бу каби ярмаркалар иш излаётган аҳоли ва иш берувчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаб, ҳудуддаги ишсизлик даражасини пасайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Кейинги манзил “Textile Mill Tashkent” Германия-Ўзбекистон қўшма корхонаси бўлди. 2011 йилда ташкил этилган мазкур корхонада бугунги кунда 500 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Эътиборли жиҳати, уларнинг 380 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу аёллар тадбиркорлиги ва бандлигини қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини оширишнинг ёрқин намунасидир. Бу ерда йилига 20 миллион жуфтдан ортиқ пайпоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.





– Корхонада пайпоқ тўқиш ускуналарини технологик талаблар асосида созлаш, уларнинг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш билан шуғулланаман, – дейди Шоҳинур Исломов. – Энг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаймиз. Маошдан ташқари, ҳар ой якунида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам берилади. Бу ердаги ишимдан мамнунман. Корхона томонидан ишчиларнинг ўз вақтида ва қулай етиб келишларини таъминлаш мақсадида автобуслар ажратилган.

– Корхонамизда талабалар ҳам меҳнат қилишади, – дейди директор Ҳожиакбар Зоҳидов. – Уларга шартнома тўловларини қоплашда кўмаклашамиз. Тўй-маъракa, саломатликни тиклаш билан боғлиқ ҳолатларда моддий ёрдам ажратилади. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари эса дуал таълими асосида ўқишдан бўш вақтларида ишлаб касб ўрганишади ҳамда оиласига ёрдам беришади.

Навбатдаги манзил “NEMO COLLECTION” масъулияти чекланган жамияти тикувчилик фабрикаси бўлди. Бу ерда айни пайтда 200 нафарга яқин бичувчи ва тикувчилар иш билан таъминланган. Ишчилар учун еттита йўналиш бўйича автобус қатнови ташкил этилган. Иш ҳақи ходимнинг тажрибаси ва малакасига қараб 2,5 миллион сўмдан, 7-10 миллион сўмгача етади. Тайёрланаётган кийимкечаклар МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Корхонада ишлаб чиқариш йўналишлари кенгайтирилиши натижасида яна 100 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Тажрибали ходимларнинг юқори маош олиши бошқа ишчиларни ҳам ўз малакасини оширишга ва кўпроқ даромад топишга рағбатлантирмоқда.

Журналист ва блогерлар ишчи-ходимлар билан суҳбатлашиб, улар учун яратилган шароитлар ҳақида маълумотлар олишди.

– Жорий йил бошида Нурафшон шаҳрида ишсизлар сони 1 минг 200 нафардан ортиқ эди, – дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими раҳбари Мансур Худойқулов. – 1 октябрь ҳолатига кўра, 900 нафар фуқаро ишли бўлди. Хусусан, 300 нафар ОТМ, 400 дан зиёд мактаб битирувчилари, 20 дан ортиқ алимент тўловчилар иш билан таъминланди. Бугунги ярмарка орқали яна кўплаб ишсиз фуқароларни банд қилиш режалаштирилган.

Тадбир давомида журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Муаллиф олган суратлар

ГАЗЕТА ҚАЧОН КАШФ ЭТИЛГАН?



Ҳар куни ишга, ўқишга шошилиб борар эканмиз, бирров тўхтаб, ўзимиз севиб ўқийдиган газета ёки журнални матбуот дўконидан харид қилишимиз оддий ҳол. Бугун оламда нима гап? Газетани варақлай бошлаганимизда ушбу савол ўз-ўзидан хаёлимизни банд этади. Аммо газета қачон ва қай тариқа пайдо бўлганини биласизми? Аслида бу дунёда нимаики мавжуд экан, демак, унинг тарихи ҳам мавжуд. Табиийки, газетанинг ҳам ўзига яраша қизиқ тарихи бор.

▼ Обуна – 2027

Гарчи дастлаб газета қачон ва қаерда кашф этилгани ҳануз сирлигича қолаётган бўлса-да, олимлар орасида у XV аср охирларида пайдо бўлган, деган тахмин юради.

Газета атамасининг келиб чиқиши ҳам анча ғалати. XVI асрда Венецияда чақа пуллар зарб қилинган ва бу пуллар «газета» деб аталган. 1536 йилда Венецияда «Ёзилган хабарлар» нашр қилина бошланган ва унинг нархи бир «газета» бўлган. Кейинчалик эса «газета» атамаси нашр оламига кўчган ва ўшандан буён босма қоғозлар газета деб юритилади.

Шу тариқа газеталар борган сари кўпаяди. Тарихчиларнинг сўзларига қараганда, ўша пайтларда жуда ажабтовур ва ғалати йўналишдаги газеталар чиқа бошлайди. Масалан, Мадридда чоп этиладиган нашрлардан бири ўзининг сўнгги янгиликларини даструмолга босади. Бунда сувда тез эрувчан рангдан фойдаланилган.

Ўз даврида Парижда «Ла Гмандиз» («Ширинлик») деб аталувчи антиқа газета чиққани маълум. Мазкур газета вафлига безиён типографик бўёқ ёрдамида босилган бўлиб, муштарийлар янгиликлардан хабардор бўлгач, уни тановул қилишган.

Кейинроқ газеталарнинг мавзулари ҳам, андозалари ҳам мураккаблаша борган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди, албатта. Газеталар кўплаб ўқувчиларга эга бўлиши учун ҳамма соҳадан хабар ва мақолалар бериш аста-секин кундалик ҳолга айланади.

Айни пайтда газеталар шунчалик оммалашиб кетдики, уларнинг сон-саноғи йўқ. Бугун дунёда деярли ҳар бир тармоқ ўз газетасига эга бўлиб, улар турли ўлчамда, ранг-баранг шакл ва мавзуларда чоп этилмоқда. Бинобарин, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, турли ахборотларга эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани шуни тақозо этмоқда.

«TOŞKENT HAQIQATI» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИГА

2027 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри таҳририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 996 800 СЎМ;

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 672 000 СЎМ;

Етказиб бериш хизмати ичида.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35


«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки маротаба – чоршанба ва шанба кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума куни чоп этилади.

Обуна таҳририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

«TOŞKENT HAQIQATI» нашр индекси – 205 / «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» нашр индекси – 207

Миллатни фақат чегаралар ҳимоя қилмайди. Уни тили, тарихи, адабиёти, хотираси ва буюк фарзандларига бўлган эҳтироми ҳам асрайди. Ватан нима? Ватан бу – сендан кейин ҳам сенинг тилингда гапирадиган, сени эслайдиган ва сўзларингни асрайдиган қалблардир.

Уммон ортини ёритган чироқ



(Қаҳрамон шоиримиз Абдулла ОРИФни эслаб...)

"Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!"

Истаймизми-йўқми қалбида Ватан туйғуси бор ҳар бир элдошимиз бу савол билан юзлашади. Ватан ҳақида сўзласанг, кўз олдингга туғилиб ўсган қишлоғингнинг чанг кўчалари, райҳонли ҳовлилар-у, онанг тутган иссиқ кулча келади. Шилдираган ариқлар хаёлингдан оқиб ўтади, шаҳарда туғилган эсанг хотирангни тор кўчалар ўзига етаклайди ё балкондан сенга боқиб турган қизалоқнинг чеҳраси кўз ўнгингда намоён бўлади. Ватан севгиси эса инсонни улғайтиради, улуғлайди. Бу юрт улуғ кишиларга бой. Шундай улуғлардан бири – Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориф.

Биз Ўзбекистон деб аталган юртнинг фарзандларимиз. Шу муқаддас тупроққа бир муҳаббат билан қадам қўйганмиз. Бу улуғ заминимизни бўлакларга бўлиш учун мустабид тузум турли тизимлар яратган, турли номлар билан атаган. Қандай сиёсий ном билан аталишидан қатъи назар биз ҳамиша шу юртни меҳр-муҳаббат билан севганмиз, севамиз. Ўзбекистон сўзини адабиётда ўттизинчи йиллар охири илк бор Ҳамид Олимжон ишлатган эди:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

Сўнг Ойбекнинг гўзал сатрларини ўқиганмиз. Бу сўзни ҳақиқий ялов қилиб эса Абдулла Ориф ўз мисраларига сингдириб кетди. "Ўзбекистон" сўзини ва Ўзбекистоннинг ўзини халқ юрагига шеърият орқали олиб кирди. Халқнинг бир муҳаббат билан бу тупроққа қўйган қадамларида шеъриятнинг ўрни беқиёс, бу шеъриятнинг ҳақиқий жарчиси Абдулла Орифнинг-да ўз ўрни бор.

Сиз Чорсу майдонидасиз, атрофингизга қаранг, бирор бошқа элат вакили Ўзбекистон деб сайраса ҳам, Ўзбекистон деб минг тур шеър ёзса ҳам Абдулла Орифнинг шеърияти каби бўлмайди. У чин ўзбек эди, қонида ўзбаки қон, лутфи-ю фаҳмигача шу элат вакили эди. Ўзбекистон сўзи унинг илҳом манбаи эди. У юртни шу ҳолича севди, борича севди, борича садоқат билан хизмат қилиб ўтди. Бироқ тақдир экан, ўзга юртда вафот этди. Баъзан инсон ўз Ватанида яшаб туриб ҳам Ватандан узоқда бўлади. Баъзан эса Ватанидан минглаб чақирим олисда, бегона осмон остида сўнгги нафасини олаётган инсоннинг қалбида бутун бир юрт яшайди.

Абдулла Орифнинг юрагида юрт ва соғинч яшади. Унинг сеҳрли диёрда ёзган сеҳрли шеърлари ҳам ҳануз мухлисларини ўз жасорати, шиддати, қудрати билан ром қилиб келмоқда. У ўзбек миллатининг юрагидан сўз излади. Мисралар орасига ўзбекнинг дардини, орзусини, ғурурини ва тақдирини жойлади. Унинг қаламида Ватан географик ҳудуд эмас, инсоннинг ўзлигини англатувчи муқаддас бир туйғуга айланди. Абдулла Орифни ўзбек шеъриятининг буюк вакили сифатида эмас, балки миллатнинг, хотиранинг миллий, тирик овози сифатида англаш керак. Унинг "Ўзбекистон" қасидасидаги юксак ифтихор, "Онажон" сатрларидаги меҳр, "Биринчи муҳаббатим"даги беғуборлик, "Муножотни тинглаб"даги руҳий изтироб – буларнинг барчаси бир миллатнинг маънавий қиёфасини чизади. "Қашқадарёсан", "Қарши қўшиғи", "Қадимий ва навқирон Қарши" (гарчи бу таъриф Самарқандга тегишли бўлса ҳам) шеърларида туғилиб ўсган юртининг картинасини бус-бутун чиза олган. Чексизликлар аро бир Ватан кўз ўнгизга келади. Одил Ёқубов унинг шеърияти ҳақида шундай хотирлаб ўтган эди. "Ҳар гал унинг шеърларини мутолаа қилар эканман, тафаккурига ўша чексизликлар бекасизлик бергандек, сатрлари саҳро қуёшидан нур эмгандек ва шу сатрлар орасидан анвойи чечаклар ҳиди уфуриб тургандек, келиб менинг димоғимга урилаётгандек бўлади".



У шеъриятга кириб келганида ўзбек адабиётида янги бир овоз пайдо бўлди. Бу овоз баландпарвозлик эмас, қалбнинг чуқур қатламларидан келарди. Унда фалсафа ҳам, дард ҳам, муҳаббат ҳам, инсон ва замон ўртасидаги муросасиз саволлар ҳам бор эди.

У шеъриятга кириб келганида ўзбек адабиётида янги бир овоз пайдо бўлди. Бу овоз баландпарвозлик эмас, қалбнинг чуқур қатламларидан келарди. Унда фалсафа ҳам, дард ҳам, муҳаббат ҳам, инсон ва замон ўртасидаги муросасиз саволлар ҳам бор эди. Классик адабиётни кўп ўқиганидан дарак берарди. 1965 йилда нашр этилган «Митти юлдуз» тўплами билан бошланган ижодий йўл кейинчалик ўзбек адабиётининг катта бир маънавий манзилига айланди. Шоир Дантенинг «Илоҳий комедия»сини ўзбек тилига таржима қилиб, миллий адабиётимизни жаҳон тафаккурининг буюк намуналари билан боғлади. Ўзбекистон давлат мадҳияси матнининг муаллифи сифатида эса унинг сўзлари бутун бир халқнинг овозига айланди. Гарчи, мустабид тузумида яратилган мадҳиянинг бироз бўғинлари ўзгартирилиб, қайта ишланган вариантидай туюлса-да, у Абдулла Ориф қалами билан жуда гўзал сайқалланган эди. Ўзбекистон ҳақида у яратган энг гўзал мадҳия унинг "Ўзбекистон" шеъридир. Ўқиган одам ўзини буюк Ватаннинг, катта бир тарихнинг вориси сифатида ҳис қилади.

Юртни чин дилдан севарларнинг тилидан умри давомида тушмайдиган бир шеър бу. Шоирона лутф билан айтар бўлсам: у Ўзбекистон жамолига юрт шамоли билан бирга, шамол қай томон эсса ўша томон эсиб куй басталаб ўтган бастакор.

Гоҳи буюк ва севимли, машҳур ва эрка шахслар ҳам ожиз бўлиб қолади. У умрининг сўнгги йилларида шу ҳолга тушди. Американинг Техаси, Хьюстон штати – Уммон ортидаги бу шаҳар ўзбек шоирининг ҳаётида сўнгги манзилга айланди. 2016 йил 5 ноябрь куни Абдулла Ориф Хьюстонда вафот этди. Бир пайт унинг тупроғини босиш шарт эмас. Баъзан бир сатр, бир хотира, бир она тилида айтилган сўз бутун бир мамлакатни кўз олдингга келтиради. У Ватандан қалбан бир муддат бўлса-да узилмади. Қариган ва хасталанган чоғида Ватанни соғиниб яшаган шоирнинг жони 2016 йилнинг 5 ноябрида Америка Қўшма Штатларида узилди. Бу пайтда Ўзбекистон ҳукуматида ҳам сиёсий ўзгаришлар кечган эди. Юрт бошқарувига янги раҳбар келган, Абдулла Ориф атаган "ўзбекнинг арслон ўғлонларидан бири" – бу Президент Шавкат Мирзиёев эди. Шахсан унинг кўмаги билан Абдулла Орифнинг ҳоки ўзга юртларда қолиб кетмади.

Абдулла Орифнинг юрагида юрт ва соғинч яшади. Унинг сеҳрли диёрда ёзган сеҳрли шеърлари ҳам ҳануз мухлисларини ўз жасорати, шиддати, қудрати билан ром қилиб келмоқда. У ўзбек миллатининг юрагидан сўз излади. Мисралар орасига ўзбекнинг дардини, орзусини, ғурурини ва тақдирини жойлади. Унинг қаламида Ватан географик ҳудуд эмас, инсоннинг ўзлигини англатувчи муқаддас бир туйғуга айланди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Дўрмон ижод уйида Абдулла Ориф номидаги уй-музейи ташкил этилди. Қашқадарёда Абдулла Ориф номидаги ижод мактаби очилди. 2026 йилнинг 22 июнь санаси эса ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос маънавий воқеа сифатида муҳрланди. Америка Қўшма Штатларининг Техас штатидаги Хьюстон шаҳрида Абдулла Ориповнинг уй-музейи очилди. Бу – уммон ортида қолган шоир хотирасига, унинг сўзларига ва бутун умри давомида ардоқлаган Ватанига кўрсатилган эҳтиром эди. Музейда шоирнинг шахсий буюмлари, қўлёзмалари, китоблари, фотосуратлари ва ҳаётига оид турли хотиралар жамланган. Икки хонали ушбу хотира масканида унинг сўнгги ҳаётига дахлдор муҳит сақлаб қолинган.

Америкада ўзбеклар кўп. Сиз ўша ерлардасиз... Хьюстоннинг бегона кўчалари, Америка осмони, баланд бинолар ва замонавий ҳаёт шовқини орасида бир эшик очилади. У эшикдан кирган одамни эса ўзбек тили кутиб олади. Шоирнинг қўлёзмалари, суратлар, унинг ҳаётидан қолган буюмлар... Ҳар бир буюмда шоирнинг нафаси, ҳар бир қоғозда қалбнинг изи бор. Эҳтимол, музейга кирган ўзбек фарзанди бир лаҳзага ўзини Америкада эмас, Тошкентдаги бир хонадонда ёки Қашқадарёнинг сокин кечаларида ҳис қилар. Чунки бу хонадонда сақланаётган нарсаларнинг энг қадрлиси буюмлар эмас – Ватан хотираси. Шоирнинг оиласи ва яқинлари бу масканни ташкил этиш учун шоирнинг шахсий меросини йиғиш, хоналарни жиҳозлаш, китоб ва қўлёзмаларни жойлаштириш ишларига анча вақт ва меҳнат сарфлаган. Бу музей ўзбек тилининг, Қашқадарёнинг Америкадаги манзилидир. Шоир она тилининг ҳимоячиси. Тил бир мамлакатдан бошқасига кўчса ҳам, либоси ўзгармайди. Фарзандлар қалбида яшайди, китоблар орқали янги авлодларга етиб боради. Бугун Хьюстондаги бир хонадонда ўзбекча сатрлар сақланаяпти.

Хьюстондаги музей фақат ўтмиш буюми эмас, у келажакка ҳам қараб турибди. У ерга кирган одам Абдулла Ориф ким бўлганини янада яхшироқ билиши, унинг шеърларини ўқиши, ўз она тилининг қадрини англаши мумкин. Абдулла Ориф хотираси музейга кирган инсон қалбига кўчади. Шоирнинг шеъри башорат деган иборани ҳам яна бир бор эслатади бу музей.

"Америка сеҳрли диёр...
Колумбда бор аламим маним..."

Бу Абдулла Ориф мисралари эди. Бу музей уммон ортини ёритиб турган ўзбекона бир чироқдир. Бугун Хьюстонда яшайдиган ўзбек боласи бу музейга кириб, ўзбекча китобни қўлига олиши мумкин. Балки у шоирнинг бирор шеърини биринчи марта ўқир. Балки мадҳиямиз сатрларини, отаси ёки онасидан шоир ҳақида ҳикоя эшитар. Шунда у ўзининг қаердан келганини, қайси тилда биринчи бор «Она» деганини, қайси халқнинг фарзанди эканини яна бир бор ҳис қилади. Америкага ўзбеклар фақат қора ишчи бўлиб ёки трак ҳайдаш учун келмаслигини бир кун келиб англар балки. Бу эса музейнинг энг катта ғалабаси бўлади.

Миллатни фақат чегаралар ҳимоя қилмайди. Уни тили, тарихи, адабиёти, хотираси ва буюк фарзандларига бўлган эҳтироми ҳам асрайди. Ватан нима? Ватан бу – сендан кейин ҳам сенинг тилингда гапирадиган, сени эслайдиган ва сўзларингни асрайдиган қалблардир.

Талант ТОЛЕРАНТ

TOŞKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOŞKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toşkent haqiqati" va "Taşkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:
Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay'ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, Ğafurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, Ğayrat ŞERALIYEV, Kumuş EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Boş muharrir: **Töxtamurod HASANBOYEV**
Navbatçi: **Mehriddin IBRAGIMOV**

Toşkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boşqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan röyxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Boş muharrir örinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. **Bölim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E'lonlar va hisob-kitob bölimi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toşkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxöjayev tomonidan sahifalandi. Haftaning çorşanba va şanba kunlari çiqadi.

Manzil: 111500, Nurafşon şahri, Toşkent yöli köçasi, 90. Toşkent şahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq köçasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosişga topşiriş vaqti – 20:00. Bosişga topşirildi – 22:00. Naşr körsatkiçi – 205.
6 723 nusxada çop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-1135.
Ofset usulida bosildi. Qoğoz biçimi A–2. Bahosi kelişilgan narxda.

«SHARQ» naşriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toşkent şahri, Buyuk Turon köçasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6



Birinçi va ikkinçi Renessansni buyuk alloma va mutafakkirlarimiz yaratgan bölsa, bugun tarix navbatni sizlarga bermoqda. Işonçim komil, sizlar barça sohalarda mamlakatimiz bayroğini baland kötarişga qodirsiz.

Sizlar – Yangi Özbekiston bunyodkorlari sifatida yangi tarix yaratadigan oltin avlodsiz.

Şavkat MIRZIYOYEV,
Özbekiston Respublikasi Prezidenti

▼ **Ёшлар ижоди**

Тўртликлар

Тоғ кўчса, тоғларга суянч бўларкан,
Тулпор юрган ерга юпанч бўларкан.
Умр адоғида “дўстман” деганмас,
Тўрт қаричли таёқ таянч бўларкан.

* * *

Ё сабр этайми, ҳикмат кутайму,
Етиб борармикан Худога оҳим?
Бошимни тошларга уриб ёрайму,
Ёрилса, тўкилур балки гуноҳим.

* * *

Соғиндингми, деди бу кўнгил,
Йўқ, дедиму ёдимга тушдинг.
Ич-ичидан вайронадир дил,
Мен кечмадим, сен қачон кечдинг?

* * *

Мен қадаҳман – қўлингда тутган,
Хўпла мени – шаробинг бўлай.
Мен аблаҳман – бахтин унутган,
Ўлдир мени – дармонинг бўлай.

* * *

Ким дутор-ла ошно бўлса,
бўлур бахши,
Чин умматни дўсти бўлмоқ –
умр нақши.
Итинг сенга вафо қилса,
шул ҳам керак,
Бил акси, ким нодон дўстдан
Хумбар яхши.

Изоҳ: Хумбар – кучукка қўйилган лақаб.

Хушнуд ТЎРАҚУЛОВ,
Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети талабаси
Бекобод шаҳри

ЗОЙИР МИРЗАЕВНИНГ ЖОНЛИ “МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ”

Баъзан инсон ҳаётида шундай кунлар бўладики, битта самимий суҳбат ёки ўз вақтида айтилган бир оғиз сўз тақдирингизни бошқа оқимга буриб юборади. Бунинг учун фақатгина дардингизни эшитадиган, муаммонгизга ечим топишга ҳаракат қиладиган масъул билан юзма-юз келишнинг ўзи кифоя экан. Яқинда Ангреннинг тоғ бағрида жойлашган олис “Янгиобод” маҳалласида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув бунга яққол мисол бўла олади.









Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ўтган очиқ мулоқотда юздан ортиқ ёшлар ўзларини ўйлантириб юрган масалалар, орзу-умидлари ва таклифлари билан ўртоқлашишди. Кимдир доимий иш сўради, кимдир тадбиркорликни бошлаш учун кўмак. Энг муҳими, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади, ҳар бирига алоҳида ёндашилди. Шу ернинг ўзидаёқ идора ва ташкилотлар вакиллари ишга кириш учун аризаларни қабул қилиб, мавжуд имкониятлар асосида тезкор ечимлар топилди. Бир гуруҳ тенгдошларимиз касб-ҳунарга йўналтирилган бўлса, бошқалари муносиб иш жойига эга бўлишди.

Аслида, ёшлар билан учрашув ёки меҳнат ярмаркаси дегани ҳам шу эмасми?! Ёшларни овора қилиб, бир хонадан иккинчисига юбориш, рўйхатни кўрсатиб, қуруқ ваъда бериш билан муаммо ҳал бўлмайди. Муҳими инсонга ишонч бағишлаб, мурожаатини ҳал этишдир.

Эътиборлиси, шу куни Кадастр агентлиги тизимида ишлашни мақсад қилган тўрт нафар ёшнинг мурожаати ҳам ижобий ҳал этилиб, улар Давлат кадастрлари палатасининг Ангрен шаҳар филиалига ишга қабул қилиндилар.

– Бу учрашув ҳаётимни ўзгартириб юборди, – дейди “Янги Жигаристон” маҳалласидан келган Мухлиса Абдураимова. – Очиғи, ишим бунчалик тез ва осон ҳал бўлишини ўйламагандим. Ҳеч қандай оворагарчиликсиз ишга жойлашишимга амалий ёрдам кўрсатишганидан жуда қувондим. Энди ўзим хоҳлаган соҳамда меҳнат фаолиятимни бошлайман. Бугунги кунда ёшларнинг дардига қулоқ тутадиган, уларнинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган раҳбарлар борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Масъулларга, шу жумладан, вилоят раҳбарига катта раҳмат.

Ҳаётда ўз йўлини топиш, меҳнат қилиб, оиласига ва жамиятга наф келтириш ҳар бир инсоннинг мақсади. Ангренда бўлиб ўтган шундай илиқ ва самимий мулоқотлар яна кўплаб тенгдошларимизнинг қалбига ишонч улашиб, уларни янги марралар сари етаклашига ишонамиз.

Нозима АРСЛОНОВА



ЙЎЛ МАНЗИЛГА ЕТКАЗСИН, ФОЖИАГА ЭМАС!

Йўл – ҳар куни миллионлаб инсонларни манзилига элтади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир оиласи бағрига шошади. Ҳар бир инсоннинг ўз манзили, орзу-ниятлари, уни интизорлик билан кутаётган яқинлари бор. Аммо баъзан бир лаҳзалик шошқалоқлик, эътиборсизлик ёки йўл қоидаларини менсимаслик ана шу орзу ва режаларга нуқта қўйиши мумкин.

Ачинарлиси, йўл-транспорт ҳодисалари ортида фақат моддий зарар эмас, балки инсон тақдири, оила дарди ва қалблардаги битмас жароҳатлар ҳам туради. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлигига бефарқ қараб бўлмайди.

Бу муаммонинг кўламини рақамларда ҳам яққол кўринади. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида мамлакатимизда 2 минг 286 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Ушбу ҳодисалар оқибатида 3 минг 306 нафар фуқаро жабрланган. Тошкент вилоятида эса шу даврда 271 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, 252 нафар инсон жабр кўрган.

Бу рақамлар ҳар биримизни жиддий ўйлантириш билан бирга йўлдаги масъулият ва эҳтиёткорликни кундалик ҳаёт тарзимизга айлантиришимиз зарурлигини кўрсатади.

Ана шу мақсадда республика миқёсида амалга оширилаётган «Йўловчи» лойиҳаси доирасида ҳудудларда кенг кўламли тарғибот ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ҳамда Тошкент вилояти Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамкорлигида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Ундан кўзланган мақсад ёшлар ва аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини бошқаришда масъулиятни кучайтириш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат.

Лойиҳа доирасида илгари сурилаётган оддий, аммо муҳим тавсиялардан бири – пиёдалар ўтиш жойидан ўтаётганда қўлни кўтариб, ҳайдовчи эътиборини жалб қилишдир. Бу кичик ҳаракат пиёданинг йўлни кесиб ўтиш ниятини ҳайдовчига билдиришга ёрдам беради. Бироқ бу хавфсизликнинг тўлиқ кафолати эмас. Аввало, йўлнинг икки томонига қараш, транспорт воситаларининг тўлиқ тўхтаганига ишонч ҳосил қилиш, светофор ишораларига амал қилиш ва йўлни фақат белгиланган жойдан кесиб ўтиш шарт.

Айниқса, кўчада телефонга тикилиб юриш, қулоқчин тўфайли атрофдаги товушларни эшитмаслик, қизил чироқда йўлни кесиб ўтиш ёки белгиланмаган жойдан ҳаракатланиш хавфли одатлардир. Бир неча сонияни тежаш бутун умрлик пушаймонга сабаб бўлмаслиги керак.

Йўл маданияти фақат кўчада шаклланмайди. У оиладан, мактабдан, таълим муассасасидан бошланади. Ота-оналар фарзандларига йўлдан қандай ўтишни ўргатишлари, устозлар йўл қоидаларининг ҳаётий аҳамиятини тушунтиришлари зарур. Энг муҳими, катталар болаларга насиҳат қилиш билан чекланмай, ўзлари ҳам намуна кўрсатишлари керак.

Зеро, йўл ҳаракати хавфсизлиги фақат ҳайдовчилар ёки тегишли хизматлар ходимларининг эмас, балки ҳар биримизнинг масъулиятимиздир. Ҳайдовчи пиёдани ҳурмат қилиши, пиёда белгиланган қоидаларга амал қилиши, ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчиси эса ўзгалар ҳаёти ва хавфсизлигини ўйлаб иш тутиши шарт.

«Йўловчи» лойиҳаси доирасидаги тарғибот ва амалий тадбирлар ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Йўлдаги тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат ва масъулият ортса, хавф-хатар шунчалик камаяди.

Бу одатни аввало ўзимиздан, оиламиздан бошлайлик. Биз, ЁШЛАР бошладик, сиз ҳам давом эттиринг!

«ЙЎЛОВЧИ» – БУ СИЗНИНГ ҲАМ ЛОЙИҲАНГИЗ!

Моҳларойим ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши Ахборот хизмати бўлим бошлиғи

Бугунги кунда Юртбошимиз томонидан ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эътирофларга сазовор бўлмоқда. Айниқса, ёшларнинг эркин ижод қилишига шароит яратилиб, минбар берилаётгани таҳсинга лойиқ.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Саноатқурилишбанк” томонидан ўтказилаётган Республика миқёсидаги “Уйғониш” танлови ёш ижодкорлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жойларда танловнинг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Хусусан, “Тошкент ҳақиқати” газетаси мухбири, истеъдодли ижодкор Зикрилла Муҳаммад ҳам ушбу танловнинг Тошкент шаҳар босқичида наср йўналишида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади ҳамда Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

ЧИГИРТКА УНИДАН НОН ЕГАНМИСИЗ?

"Чигиртка" деганда кўз олдимизга, аввало, экин майдонларига зарар етказувчи ҳашарот келади. Аммо илм-фан табиатдаги ҳар бир мавжудотга янгича нигоҳ билан қараш, унинг ҳали тўлиқ кашф этилмаган имкониятларини ўрганишга ундамоқда. Шу боис кечагина фақат зараркунанда сифатида тасаввур қилинган бу ҳашарот бугун илм-фан нигоҳида мутлақо бошқача жиҳатларини билан намоён этмоқда. У озиқ-овқат саноати ва чорвачилик учун оқсилга бой муқобил манба бўлиши мумкинлиги тадқиқ этилмоқда.

Маълумотларга кўра, чигиртка таносидаги оқсил миқдори 60-70 фоизгача етиши мумкин. Шунингдек, унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган аминокислоталар, В гуруҳи витаминлари, темир, кальций, рух ва магний каби муҳим моддалар ҳам мавжуд. Ана шу хусусиятлар чигирткани истиқболли озиқ-овқат манбаларидан бири сифатида ўрганишга асос бўлмоқда.

Дунё бўйича ҳам чигирткадан озиқ-овқат сифатида фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Айрим мамлакатларда чигирткадан турли таомлар тайёрланади, уни эса бошқа маҳсулотларга қўшилади. Масалан, Дания ва Испанияда чигирткадан тайёрланган таомлар таклиф этиладиган ресторанлар фаолият юритмоқда. Бу эса инсоният озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида табиатнинг кутилмаган имкониятларини излаётганидан далолат беради.

Чигиртканинг имкониятлари фақат инсон озиқ-овқати билан чекланмайди. У фармацевтика соҳасида, биологик фаол қўшимчалар ва айрим маҳсулотлар тайёрлашда ҳам истиқболли хом ашё бўлиши мумкин. Бироқ бу борадаги изланишларни янада чуқурлаштириш, унинг хусусиятлари ва амалдаги самарадорлигини илмий асосда ўрганиш муҳим.

Айниқса, чигирткадан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик учун оқсилга бой озуқа тайёрлаш имконияти катта қизиқиш уйғотмоқда. Уни қуритиб, махсус технологиялар асосида кукун ҳолига келтириш орқали паррандалар, балиқлар ва бошқа ҳайвонлар учун озиқавий қиймати юқори бўлган ем тайёрлаш мумкин. Бундай ёндашув анъанавий ем-хашак манбаларига муқобил ечим бўлиб, озуқа таннархини камайтиришга ҳам хизмат қилиши мумкин.

– Чигиртка асосида тайёрланган озуқанинг ҳайвонлар маҳсулдорлигига таъсири ҳам алоҳида аҳамиятга эга, – дейди қишлоқ хўжалиги фанлари академиги Б.Зарипов. – Бундай озуқа қорамоллар маҳсулдорлиги ва сут таркибидаги ёғ миқдорига, паррандаларнинг тухум бериш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, бу каби хулосаларни кенг миқёсда амалиётга жорий этишдан олдин озуқанинг таркиби, хавфсизлиги ва иқтисодий самарадорлигини пухта илмий асослаш талаб этилади.

Бугун чорвачиликда оқсилга бой, арзон ва экологик жиҳатдан мақбул озуқа манбаларини излаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, чигирткага энди фақат зараркунанда сифатида баҳо бериш етарли эмас. Балки у келажакда чорва ва паррандалар учун янги авлод озуқасининг муҳим манбаларидан бирига айланар.

Эҳтимол, бугун ғалати туюлаётган чигиртка уни қўшилган нон ҳам эртага оддий маҳсулотлар қаторида дастурхонимиздан ўрин олар. Аслида илм-фаннинг кучи ҳам кеча оддий ёки кутилмаган бўлиб кўринган имкониятларни ўрганиб, уларни эртанги кун учун амалий ечимга айлантиришидадир.

Дилшода МИРЗОЛИМОВА,
Тошкент давлат аграр университети 2-босқич магистранти